



ТЕРГОВ ВА СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТҮСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Анорбоев Муроджон Рахманқул ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиши академияси мустақил
изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) аддия
кичик маслаҳатчиси

Аннотация. Уибу мақолада тергов ва суд органлари фаолиятига түсқинлик қилувчи ҳамда одил судловга қарши жиноятлар турлари ва уларнинг классификацияси таҳлил қилинган. Жиноятларнинг ҳуқуқий табиати, уларни турларга ажратиш мезонлари ҳамда миллий ва халқаро қонунчиликдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур жиноятларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари таҳлил қилиниб, уларни олдини олиш бўйича таклифлар баён этилган.

Калим сўзлар: тергов, суд, одил судлов, жиноий жавобгарлик, түсқинлик, классификация, қонунчилик, халқаро тажриба.

Аннотация. В данной статье анализируются виды и классификация преступлений, препятствующих деятельности следственных и судебных органов, а также направленных против правосудия. Рассмотрены правовая природа данных преступлений, критерии их классификации, а также сходства и различия в национальном и международном законодательстве. Также проанализированы меры уголовной ответственности за эти преступления и предложены меры по их предотвращению.

Ключевые слова: следствие, суд, правосудие, уголовная ответственность, препятствование, классификация, законодательство, международный опыт.

Annotation. This article analyzes the types and classification of crimes that obstruct investigative and judicial authorities and undermine justice. It examines the legal nature of these crimes, the criteria for their classification, as well as similarities and differences in national and international legislation. Additionally, measures of criminal liability for such crimes are analyzed, and recommendations for their prevention are presented.

Key words: investigation, court, justice, criminal liability, obstruction, classification, legislation, international experience.

Юридик адабиётларда одил судлов тушунчаси тор ва кенг маънода турлича талқин қилинган ҳамда одил судлов билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

Жумладан, одил судлов тушунчаси тор маънода суд фаолияти сифатида тушунилган, яъни тор маънода одил судлов деганда, биринчи навбатда, судларнинг жиноят, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва шу каби муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқишидаги қонуний фаолияти тушунилади.

Ушбу ёндашувдан иккита хulosा чиқариш мумкин:

1) одил судловга қарши жиноятлар қўйидаги органлар фаолиятига қарши қаратилган бўлади:



а) суриштирув органлари – ЖПК 38-моддасида саналган 5 та тузилмадаги органлар, яъни ички ишлар органлари, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия органларининг суриштирувчилари фаолияти;

б) тезкор-қидириув органлари – “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги Конуннинг 10-моддасида назарда тутилган 7 та тузилмадаги органлар, яъни Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси фаолияти¹;

в) терговга қадар текширув органлари – ЖПК 39¹-моддасида келтирилган 14 та тузилмадаги органлар фаолияти;

г) дастлабки тергов органлари – ички ишлар органлари, прокуратура ҳамда давлат хавфсизлик хизмати терговчилари фаолияти;

д) суд органлари – суд тизимида киравчи судлар, шунингдек, ҳакамлик судлари, чет эл судлари ва арбитражлар фаолияти;

е) суд ҳужжати ва бошқа органлар ҳужжатини ижро этувчи органлар – мажбурий ижро бюроси фаолияти;

2) одил судловга қарши жиноятлар қўйидаги жараёнларни тартибга солувчи муносабатларга қарши қаратилган бўлади: 1) суриштирув; 2) тезкор-қидириув; 3) терговга қадар текширув; 4) жиноятни ҳисобга олиш ва жиноят ишини қўзғатиш; 5) дастлабки тергов; 6) суриштирув, терговга қадар текширув, дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этиши устидан назорат; 7) суд жараёнлари; 8) суд ҳужжати ва бошқа органлар ҳужжатини ижро этиш жараёнлари.

Ушбу тадқиқот доирасида фақат тергов ва суд органлари фаолиятига тўқсинглик қилувчи жиноятларни тадқиқ қилиш назарда тутилган.

Бунда тергов институти дастлабки тергов ва суд тергови босқичларидан иборатлигини инобатга олиб, тергов органлари деганда, дастлабки тергов органлари (ички ишлар органлари, прокуратура ҳамда давлат хавфсизлик хизмати терговчилари) ҳамда суд органларини тушуниш мумкин.

Суд органлари деганда эса, фақат мамлакатимизда қонунчиликда суд тизими сифатида қатъий белгиланган рўйхатга киравчи органлар тушунилади. Яъни, ушбу тадқиқот доирасида ҳакамлик судлари, чет эл судлари ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон Конуни. // www.lex.uz/docs/2107763



арбитражлар фаолиятига тўсқинлик қилиш масаласи таҳлил қилинмайди. Чунки, қонунчиликда ушбу тузилмалар суд тизимиға киритилмаган. Аммо суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликда ушбу тузилмаларнинг ҳужжатларини ижро этиш мажбурий эканлиги белгиланганлиги сабабли, ушбу тузилмалар билан боғлиқ муносабатлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ қилмишларда (ЖК 232 ва 232¹-моддаларида) эътиборга олиниши зарур. Яъни, бизнинг тадқиқотимиз суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш босқичини қамраб олмайди. Бошқача айтганда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш масаласи тергов органларининг ҳам, суд органларининг ҳам фаолият йўналишлари ва вазифалари доирасига кирмайди. Демак, ҳакамлик судлари, чет эл судлари ва арбитражлари билан боғлиқ муносабатлар улар ҳужжатларининг ижро этилиши мажбурийлиги нуқтаи назардан умумий одил судловга қарши жиноятлар билан қамраб олинади, аммо тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар билан қамраб олинмайди.

Юқоридагиларга асосан, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар дастлабки тергов органлари, яъни ички ишлар органлари, прокуратура ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари ҳамда қонунчиликда суд тизимиға киритилган суд органлари фаолиятига қарши қаратилган бўлади, деган дастлабки хulosани чиқаришимиз мумкин.

Тергов ва суд органлари доирасига аниқлик киритиб олдик, энди ушбу органларнинг фаолияти деганда нима тушинилиши керак, деган савол туғилади.

Бу борада суднинг фаолияти тушунарли, яъни судлар биринчи инстанция судида иш юритиш, ҳукмларнинг, ажримларнинг, қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, ҳукм ва қарорларни ижрога қаратиш ҳамда ушбу жараёндаги айрим масалаларни, шу жумладан, жазодан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш каби фаолиятни амалга оширади.

Тергов органларининг фаолияти доирасини ЖПК 36-моддасидан билиб олишимиз мумкин, яъни жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш, тергов ҳаракатларини олиб бориш, шахсни ишда гумон қилинувчи, айланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш кабилар уларнинг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хulosани қабул қилишимиз мумкин:



тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар деганда, дастлабки тергов ва суд тизимиға кирувчи суд органлари фаолиятига қарши қаратилган, шу жумладан, жиноят ишини қўзгатиши, тугатиши, тергов ҳаракатларини олиб бориши ҳамда жиноятларини судда кўриб чиқиши ва ижрога қаратиши жараёнларининг процессуал яхлитлигига путур етказадиган мансабдор ёки бошқа шахслар томонидан қасдан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятлар тушунилади.

Кейинги таҳлил қилинадиган муҳим масала тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятларни таснифлаш, яъни классификация қилиш масаласи ҳисобланади.

Тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятларни таснифлаш ахборотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштиришнинг муҳим услугбий ёндашувиdir. Жиноят ҳуқуқида таснифлаш нафақат турли ҳуқуқий ҳодисаларни тушунишнинг назарий воситаси, балки турли жиноятлар ва уларга мос келадиган ижтимоий хавфларни фарқлашнинг амалий воситаси сифатида ҳам хизмат қиласи. Бу, айниқса, одил судловга қарши жиноятларни таснифлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аниқ ва мантиқий тизимлаштириш қонунни назарий тушуниш ва амалий қўллашни сезиларли даражада ошириши мумкин. Ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар жиноятларни объекти, субъекти ёки бошқа тегишли омиллар каби аниқ мезонлар бўйича тизимлаштириш орқали уларнинг моҳиятини ва уларнинг одил судлов тизимиға таъсирини янада самаралироқ таҳлил қилишлари мумкин.

Таҳлилимини одил судловга қарши жиноятларни таснифлашдан бошласак, ушбу назария ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кенг мунозараларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, ушбу масалада турли ёндашувлар таклиф қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири кўриб чиқилаётган жиноятларнинг айrim жиҳатларини таъкидлайди.

Шундай ёндашувлардан бири Т.О.Кошаева, М.Н.Голоднюк ва А.И.Чучаев каби олимлар таклиф қилганидек, жиноятларни объектига кўра таснифлашдир. Бу усулда жиноятларни улар орқали заарар етказиладиган ижтимоий муносабатларга кўра тоифаларга ажратилади. Жумладан, Т.О.Кошаева томонидан одил судловга қарши жиноятларнинг бевосита объекти хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу ҳуқуқбузарликларни тўртта гуруҳга ажратиш тавсия этилган: 1) суд ҳокимияти мустақиллигига путур етказувчи жиноятлар; 2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузувчи жиноятлар; 3)



жиноят ишини юритишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тўғри ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар; 4) жазони ижро этиш ёки жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик туфайли етказилган заарни қоплашнинг белгиланган тартибини бузадиган жиноятлар². Ёки бошқа муаллиф М.Н.Голоднюкнинг фикрича, одил судловга қарши жиноятнинг бевосита обьектига кўра қуйидагича фарқланади: 1) одил судловни амалга оширувчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилувчи жиноятлар; 2) хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи жиноятлар; 3) мансабдор шахслар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнида содир этилган жиноятлар; 4) жазони ижро этишга ёки жиноят туфайли етказилган заарни қоплашга тўсқинлик қиласиган жиноятлар³. Бу борада А.И.Чучаев томонидан таклиф этилган класификация ҳам диққатга сазавор: 1) одил судловнинг конституциявий тамойиллари билан боғлиқ муносабатларга тажовуз қиласиган жиноятлар; 2) одил судловни амалга оширувчи органларнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ муносабатларга тажовуз қиласиган жиноятлар; 3) жиноят иши бўйича далилларни олишнинг процессуал тартиби билан боғлиқ муносабатларга тажовуз қиласиган жиноятлар; 4) жиноятларни ўз вақтида бартараф этиш ва аниқлаш бўйича одил судлов фаолиятига доир муносабатларга тажовуз қиласиган жиноятлар; 5) суд хужжатини ижро этиш билан боғлиқ муносабатларга тажовуз қиласиган жиноятлар⁴.

Мазкур ёндашувдаги юқоридаги учала муаллифнинг қарашларин таҳлил қиласиган бўлсак, Т.О.Кошаеванинг таснифи кенг ва амалий бўлиб, жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган одил судлов соҳасининг асосий йўналишларига ургу берилган. Бу, эҳтимол, энг содда ва қўлланилиши осон бўлган тасниф бўлиб, уни умумий фойдаланиш учун мос келади, айниқса аниқлик ва тўғридан-тўғри қўлланилиши жуда муҳим бўлган таснифdir. М.Н.Голоднюкнинг таснифиэса, нисбатан камроқ қамровли бўлиши мумкин. Бунда қўпроқ одил судлов органлари мансабдор шахсларининг хавфсизлиги долзарб масала сифатида танланган. Ўз навбатида, А.И.Чучаев энг батафсил ва тизимли ёндашувни таклиф қиласиган деб айтишимиз мумкин. У одил судлов

² Кошаева Т.О. Об ответственности за преступления против правосудия. // Журнал российского права. – 2012. – № 4. – С. 58.

³ Голоднюк М.Н. Преступления против правосудия. // Курс уголовного права. Особенная часть: Учебник для вузов. / Под ред. Г.И.Борзенкова и В.С.Комиссарова. Т. 5. – М., 2002. – С. 148-149.

⁴ Чучаев А.И. Преступления против правосудия // Уголовное право. Особенная часть: Учебник. / Под ред. А.И.Рарога. – М., 1996. – С. 376.



билин боғлиқ жиноятларнинг турли жиҳатларини мукаммал ёритиб, энг кенг қамровли таснифни шакллантира олган. Шу сабабли, биз одил судлов билан боғлиқ жиноятларнинг турли жиҳатларини батафсил тушуниш талаб қилинадиган академик ёки назарий таҳлил учун ўзининг пухталиги ва тизимли ёндашуви туфайли А.И.Чучаевнинг таснифини маъқуллаймиз.

Яна бир ёндашув Р.Кабулов, А.Отажонов, М.М.Кадиров ва А.В.Наумов каби олимлар томонидан илгари сурилган жиноят субъектига кўра таснифлаш назариясидир. Бу усул жиноятларни содир этган шахснинг хусусиятларига кўра, масалан, жиноятни одил судловга алоқадор мансабдор шахс ёки бошқа шахс томонидан содир этилганлигига қараб гурухларга ажратади. Ушбу субъектга асосланган таснифлаш жиноятнинг ҳар бир туридан келиб чиқадиган ижтимоий хавфни аниқроқ тушунишга ёрдам беради.

Жумладан, Р.Кабулов ва А.Отажоновга кўра, одил судловга қарши жиноятларни содир этувчи субъектнинг хусусиятига кўра қуидагича таснифлаш мумкин: 1) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 230, 231, 234, 235, 241¹-моддалар); 2) одил судловни амалга оширишда кўмаклашишга мажбур шахлар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 233, 238, 239, 240-моддалар); 3) суд ҳокимияти ва дастлабки терговнинг обрў-эътибори ва фаолиятига тажовуз қилувчи жиноятлар (ЖК 232, 236-моддалар); 4) одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи бошқа шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 237, 241-моддалари)⁵. Шунингдек, М.М.Кадиров қуидаги таснифни таклиф этади: 1) суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари ходимлари (mansabdar shahslari) томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 230, 231, 233, 234, 235-моддалар); 2) одил судловни амалга оширишда кўмаклашиши шарт бўлган шахлар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 238, 239, 240-моддалар); 3) одил судловни амалга оширишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 236, 237, 241-моддалар)⁶. А.В.Наумовга кўра, ушбу тоифадаги жиноятлар қуидагича таснифланиши керак: 1) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, одил судлов органларининг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар; 2) одил судловни амалга оширишда иштирок этадиган ёки одил судловни амалга оширишга кўмаклашадиган шахслар ва мансабдор шахслар

⁵ Жиноят ҳуқуки. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Иқрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Иқрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 766-767.

⁶ Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 298-299.



томонидан содир этилган жиноятлар; 3) суд ҳужжатини бажаришга мажбур бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар⁷.

Ушбу олимларнинг фкирларини таҳлил қиласиган бўлсак, бизнингча, М.М.Қодировнинг таснифи ўзининг аниқлиги ва соддалиги туфайли афзалроқ тасниф бўлиши мумкин. Шунингдек, Р.Кабулов ва А.Отажонов томонидан берилган тасниф ҳам батафсил ҳуқуқий таҳлил сифатида афзал кўрилиши мумкин.

Учинчи тоифадаги олимлар ушбу жиноятларни классификация қилишда аралаш ёндашувни таклиф қилишади. Жумладан, З.Х.Гулямов одил судловга қарши жиноятларни тўртта гурухга ажратишни таклиф этган: 1) тергов ва суд ҳокимияти органлари обрўи ва фаолиятига тажовуз қилувчи жиноятлар (ЖК 232, 236-моддалари); 2) суриштирув олиб бораётган шахслар, терговчи, прокурор ёки судъялар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 230, 231, 234, 235-моддалари); 3) одил судловни амалга оширишга жалб этилган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 233, 237, 238, 239-моддалари); 4) бошқа шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 241-моддаси)⁸.

Турли хил тавсия этилган таснифларга қарамай, бу борада энг самарали усул бўйича аниқ хulosа мавжуд эмас. Баъзи таснифлар мураккаблиги ва номувофиқлиги учун танқид қилинади, чунки улар айrim мезонларни хисобга олса-да, турли жиноят таркибларини етарлича ажрата олмаслиги мумкин. Шунингдек, таснифлашдаги номувофиқлик ҳуқуқий тизимнинг мураккаблиги билан янада кучаяди. Жумладан, Ўзбекистон ЖК Махсус қисмининг тизимлаштирилиши ва моддаларнинг жойлаштирилишида жиноятнинг объекти, яъни муайян қилмиш орқали заарар етказиладиган ижтимоий муносабатлар бош мезон сифатида танланган. Бу эса, муайян соҳадаги жиноятларни субъектига ёки объектив томонига кўра таснифлашда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, олимлар томонидан билдирилган фикрларни ижобий ёки мақсадга мувофиқ эмас деб топиш мушкул. Чунки, уларнинг ҳар бирининг таснифида тегишли соҳадаги жиноятларнинг муайян жиҳати инобатга олинган ва ушбу ҳолат, шубҳасиз, мазкур жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини янада равшанроқ тушунишга ёрдам беради. Шу сабабдан, биз, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятларнинг турли мезонларни қамраб олувчи комплекс классификациясини шакллантириш зарур, деб хисоблаймиз.

⁷ Наумов А.В. Российское уголовное право: Курс лекций: В 2 т. Т.2. – М., 2004. – С. 685.

⁸ Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. // Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С. 40-41.



Ушбу жиноятларнинг асосли классификациясини шакллантириш учун, аввало, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар гурӯҳига кирувчи жиноят таркибilarига аниқлик киритиб олиш зарур. Бунинг учун ЖК Maxsus қисми 16-бобида назарда тутилган одил судловга қарши ҳар бир жиноят таркибиغا эътибор қаратиш зарур.

Бунда қуидаги жиноятларни тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар сифатида эътироф этиш мумкин:

1) айбизиз кишини жавобгарликка тортиш: ЖК 230-моддаси биринчи қисми диспозициясида терговчи жиноятнинг субъекти сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилган;

2) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш): терговчи ЖК 230¹-моддасида назарда тутилган исботлашни амалга оширадиган энг муҳим субъект ҳисобланади;

3) адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш: ЖК 231-моддасида қайд этилган ҳужжатларни қонуний қабул қилиш бевосита суднинг ваколати ҳисобланади;

4) қонунга хилоф равища ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш: ЖК 234-моддасида терговчи жиноятнинг субъекти эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган;

5) қийнокқа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш: тергов ҳаракатларини амалга ошириш, шу жумладан, ЖК 235-моддасида назарда тутилган жиноят иши доирасида бирор шахсдан ахборот олиш ва жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш каби ҳаракатлар терговчилар фаолиятига алоқадор ҳисобланади;

6) тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралashiш: ЖК 236-моддасида назарда тутилган жиноят биз томондан таҳлил қилинаётган жиноятларнинг классик шакли ҳисобланади;

7) ёлғон гувоҳлик бериш: ЖК 238-моддасида назарда тутилган жиноят дастлабки тергов ва суд процессларида содир этилиши мумкин;

8) суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш: ЖК 239-моддада назарда тутилган жиноят дастлабки тергов фаолиятига тўсқинлик қиласи;

9) жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши: ЖК 240-моддасида назарда тутилган



жиноят дастлабки тергов ва суд процеслари мобайнида содир этилиши мумкин;

10) жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш: ЖПК 382-моддасида содир этилган ёки тайёрланаётган жинояtlар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини текшириш суриширув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати шаклларидан бири сифатида белгиланган. Бундан кўринидики, жинояtlар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш дастлабки тергов органларининг хизмат вазифалари доирасига киради. Шу сабабдан, ЖК 241¹-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят биз таҳлил қилаётган жинояtlар таркибиغا киради.

Шунингдек, одил судловга қарши қўйидаги жинояtlар тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жинояtlар сифатида эътироф этилмайди:

1) тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш): ЖК 230²-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар ҳисобланади ҳамда тергов ёки суд органлари ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини бевосита амалга оширадиган шахслар ҳисобланмайди;

2) ЖК 232, 232¹ ва 233-моддаларида назарда тутилган жинояtlар: суд ҳужжатларини ижро этиш билан боғлик, шунингдек, банд солинган мулкни сақлашга доир муносабатлар тўғридан-тўғри тергов ва суд органлари фаолияти йўналишлари ёки мажбуриятлари доирасига кирмайди;

3) ёлғон хабар бериш, шунингдек, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш: ЖК 237 ва 241-моддаларида назарда тутилган қилмишлар мумий одил судловга қарши жинояtlар ҳисобланса-да, аммо улар биз таҳлил қилаётган жинояtlар таркибиغا кирмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи одил судловга қарши жинояtlарнинг қўйидаги классификацияси тавсия этилади:

I. Жиноят таркибиغا кўра: 1) айбизиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230-моддаси); 2) далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) (ЖК 230¹-моддаси); 3) адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (ЖК 231-моддаси); 4) қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖК 234-моддаси); 5) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-



қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси); 6) тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш (ЖК 236-моддаси); 7) ёлғон гувоҳлик бериш (ЖК 238-моддаси); 8) суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (ЖК 239-моддаси); 9) жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши (ЖК 240-моддаси); 10) жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яшириш (ЖК 241¹-моддаси);

II. Жиноят объектига кўра: 1) дастлабки тергов органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган жиноятлар (ЖК 230, 230¹, 234, 235, 239, 241¹-моддалари); 2) суд органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган жиноятлар (ЖК 231-моддаси); 3) дастлабки тергов ва суд органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган жиноятлар (ЖК 236, 238, 240-моддалари);

III. Жиноят субъектига кўра: 1) терговчи томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 230, 230¹, 234, 235, 241¹-моддалари); 2) судья томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 231-моддаси); 3) ишга жалб этилган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар (ЖК 230¹, 240-моддалари, шунингдек, 238-модданинг биринчи қисми); 4) ҳар қандай жисмоний шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар (ЖК 236, 239-моддалари, шунингдек, 238-модданинг иккинчи қисми);

IV. Қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар (ЖК 234-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари, 236-моддаси биринчи қисми, 238-моддаси биринчи қисми, 239 ва 240-моддалари); 2) унча оғир бўлмаган жиноятлар (ЖК 230-моддаси биринчи қисми, 231¹-моддаси биринчи қисми, 231-моддаси биринчи қисми, 235-моддаси биринчи қисми, 236-моддаси иккинчи қисми, 238-моддаси иккинчи қисми, 241¹-моддаси биринчи қисми); 3) оғир жиноятлар (ЖК 230-моддаси иккинчи қисми, 231¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, 231-моддаси иккинчи қисми, 235-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, 236-моддаси учинчи қисми, 241¹-моддаси иккинчи қисми).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ти ЎРҚ-344-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/2107763
- Кошаева Т.О. Об ответственности за преступления против правосудия. // Журнал российского права. – 2012. – № 4. – С. 58.



3. Голоднюк М.Н. Преступления против правосудия. // Курс уголовного права. Особенная часть: Учебник для вузов. / Под ред. Г.И.Борзенкова и В.С.Комиссарова. Т. 5. – М., 2002. – С. 148-149.
4. Чучаев А.И. Преступления против правосудия // Уголовное право. Особенная часть: Учебник. / Под ред. А.И.Рарога. – М., 1996. – С. 376.
5. Жиноят хуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 766-767.
6. Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 298-299.
7. Наумов А.В. Российское уголовное право: Курс лекций: В 2 т. Т.2. – М., 2004. – С. 685.
8. Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. // Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С. 40-41.

